



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIJ VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT  
HOKIMLIGI



**BUXORO**

OLAMOI MADANIYATI MARKAZI  
جامعة بخارى في العالم الإسلامي  
— 2020 —

# THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



**28-29 May, 2020  
Bukhara**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА  
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА  
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

**мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ**

**БУХОРО, 2020 йил**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий инновацион ишланма ва технологиялар ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарори, 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш шунингдек, Ислом таълим, фан ва маданият ташкилоти (ISESCO) 2019 йил 18 декабрда Тунида бўлиб ўтган XI Ислом конференциясида 2020 йилда Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сон фармойишига асосан Бухоро давлат университети, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси томонидан 2020 йил 28-29-май кунлари “Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мазкур халқаро илмий анжуманда Ислом цивилизациясида Бухоро маънавий мероси ва унинг ҳозирги даврда чет эллик ва Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилиши муаммолари, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий ва юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросининг маънавий тараққиётни таъминлашдаги роли ва жаҳолатга қарши курашдаги аҳамияти, жаҳон маданий мероси таркибида Бухородаги муқаддас қадамжолар зиёрат туризми объекти ва динлараро мулоқотнинг муҳим манбаси, аждодлар илмий мероси илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид фундаментал тадқиқотлар негизи сифатидаги аҳамияти, илм-фан ва иқтисодиётнинг интеграциясини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва ечимлари доир тасаввуфшунос, исломшунос, тарихчи олимлар, файласуфларнинг маърузалари ҳамда шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бораётган мустақил тадқиқотчилар, докторант, магистр ва талабаларнинг илмий мақолалар ва тезислардан иборат илмий, илмий-оммабоп ишлари, изланишлари ушбу тўпламдан ўрин олган.

#### **Таҳрир ҳайъати:**

**Ф.ф.н., доцент, Намозов Б.Б.**

**Ф.ф.д., профессор, Саломова Ҳ.Ю.**

**Ф.ф.н., доцент, Шарипова О.Т.,**

**Ф.ф.н., доцент, Шарипов А.З.**

**ўқитувчилар:**

**Ўразов Б.Б., Шокиров М.Р., Муртозаев Ш.Б.,**

**З.И.Нарзиев, А.Қ.Ширинов, Б.С.Турдиев**

донолик амалий ақлнинг маҳсули бўлиб, у ўз таркибига қуйидагиларни олади. Улар зукколик, фаҳм тезлиги, зеҳн софлиги, билим олиш, хотирадан иборатдир. Албатта бу хислат ва хусусиятларга эга инсон ахлоқи ҳар томонлама ривожланган бўлади. Чунки, ақл заковат амал қилган жойда инсон фазилатлари намоён бўлади. У бахт саодатга эришиш ақлий қобилияти билан астойдил ҳаракат қилади. Мутафаккир ахлоқий тушунчалардан бири ифбат деб, ҳисоблайди. Унинг фикрича, ифбат ғазаб ва шаҳват қувватини кесади.

Хожа Муҳаммад Порсо ахлоқий қарашларида кибр, риё, ҳасад, ғазаб, зулм каби тушунчалар инсон ахлоқини издан чиқарувчи хусусиятлар сифатида қаралади. Умуман олганда Порсо ахлоқий қарашлари ёш авлодни маънан ва руҳан тарбиялашда муҳим воситалардан бири бўла олади. Оламшумул Нақшбандия тариқатининг тарбия мактаби ғоялари умумтасаввуф таълимотлари даражасида жаҳон халқлари маданиятига кириб бориши ҳам Муҳаммад Порсо ва унга ўхшаган нақшбандийлар хизматининг самарасидир. Бу кадрларни ёшлар онгида таркиб топтириш бизнинг зиммамизда қолаверади.

## **“НАВОДИРУЛ- ВАҚОЕ” ВА С.АЙНИЙ** *Ахмедова Шоира Нематовна, БухДУ, ўзбек адабиёти кафедраси* **профессори, ф.ф.доктори**

Буюк адиб Садриддин Айний адабиётимизда зуллисонайлик анъаналарини давом эттирди ва ўз ижоди билан уни юқори босқичга кўтарди. Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна кўзғолони”, “Темур Малик” сингари асарлари тарих фани учун қанчалик муҳим бўлса, “Тожиқ адабиётидан намуналар” номли антологияси, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига доир рисолалари, илмий-танқидий мақолалари ҳам адабиётшунослик ва шарқшунослик учун бирдек муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўз даврининг йирик адиби, шу билан бирга теран адабиётшуноси Айний тадқиқотларини ўқир экансиз, кўз олдингизда адабиёт тарихининг зукко билимдони, моҳир мунаққиди сифатида гавдаланади. Айний тадқиқотларининг аксарияти илмий – биографик характерда бўлиб, буюк инсонлар қиёфасини яратишга бағишланади. Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бедил ва А.Навоий ҳақидаги тадқиқотлар бунга мисол бўла олади. Аммо Садриддин Айнийни Бухоро адабий муҳити вакиллари ижоди доимо ўзига тортиб келди. Чунки Ж.Икромийнинг хотирлашича: «Унинг беқарор юраги Бухоро учун ачинарди. У бутун борлигини ана шу Аҳмад Дониш, Ҳайрат ва бошқа улуғлар Бухоросини таъриф-тавсифлашга, уларни кўкларга кўтаришга бағишлаган эди, уларга нисбатан чин кўнгилдан муҳаббат изҳор қилган эди»<sup>1</sup>.

Бу ҳақда адабиётшунос И.Ҳаққулов ҳам шундай ёзган эди: “Айнийнинг дунёқараши, адабий шахсияти, ғоявий-эстетик тушунча ва ҳаётий идеаллари бевосита Шарқ оғзаки ва ёзма адабиёти, Шарқ маданияти ва маънавияти асосида шаклланиб камол топган. Шунинг учун Айний ҳақида гапирганда ўз-ўзидан Рудакий ёки Ибн Сино, Саъдий ёки Навоий, Бедил ёки Аҳмад Дониш сингари улуғларни эслаш, уларнинг ахлоқий-фалсафий нуқтаи назарлари билан муштарак бир тарзда мулоҳаза юритиш эҳтиёжи пайдо бўлди»<sup>2</sup>.

Айний XIX асрнинг охиригача бўлган Бухоро адабий муҳити ҳақида гапирар экан, поэзияда Бедилнинг услубига тақлид қилиш кучли эканлигини, XIX асрнинг охиридан бошлаб содда, оммабоп тилда ёзилган асарлар кўпая бошлаганлигини қайд этади. Наср ҳақида гапирар экан, унинг мактубга хос сифатлар доирасида қолиб кетганлигини кўрсатади. Мана шу ўринда янгилик яратган “насрнинг бундай услубига ҳужум қилган биринчи киши Аҳмад Калла” (Аҳмад Дониш.А.Ш.) эканлигини айтиб, унинг “Наводирул-вақое” асарига тўхталади. Аҳмад Донишнинг “Наводирул-вақое” асари ҳозирги кун ўқувчиларига оғирлик

<sup>1</sup> «Айний замондошлари хотирасида», Тошкент. 1978. 40-бет.

<sup>2</sup> Ҳаққулов И. С.Айнийнинг мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси // Тўпламда: С.Айний ва ўзбек насри тараққиёти. Бухоро, 2018. 6-бет.

килса-да, “бизнинг ёшлик давримиздаги китобхонлар учун жуда содда эди ва ўз давридаги наср ёзиш анъаналарига қарама-қарши эди”, -деб ёзади<sup>3</sup>.

С.Айнийнинг Аҳмад Донишга бағишланган адабий портретида ҳам “Наводирул-вақое” асарига тўхталади. Адабий портрет ўзига хос композицион тузилишга эга:

1. Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти.

2. Аҳмад махдумнинг ҳар йили қиладиган саёҳатлари.

3. Аҳмад Дониш вафотининг хабари.

4. Аҳмад Донишнинг йирик асари «Наводирул –вақое» билан биринчи танишувим» деб номланган қисмлардан иборат. Бу қисмлар бирлашиб, А.Донишнинг адабий портретини ҳосил қилади. Унда С.Айнийнинг диққатини «энг кўп жалб этган улуғ зот»нинг улуғлиги: ўз даврининг зукко билимдони, ҳалол, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмайдиган, мунофиқликни ёмон кўрадиган, уста рассом, бинокор, муҳандис, ижодкорлик қиёфасини ўзи кўрганлари, эшитганлари ва хотиралар асосида яққол тасвирлайди.

Адабий-танқидий асарнинг халққа манзур, ўқимишли бўлишини таъминлайдиган фазилатлардан бири унинг содда ва ширали тилда ёзилишидир. Бу мунаққиддан катта маҳоратни талаб қилади. С.Айнийнинг адабий- танқидий асарларида мана шу хусусият – тилга эътибор бўртиб туради. Ҳатто унинг ўзи танқидчилар олдига шундай талаб қўяди: «Мунаққид аллома сифатида ақл ва тафаккур билан танқид қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйиши керак. Асарни чуқур ўрганиш ва ёзувчи воқеликни қандай акс эттирганлигини тўғри ва холисанилло баҳолай билиш зарур..

Кўп танқидчилар ёзувчиларда бўлгани сингари ёмон ёзадилар, чунки тилга нўноқлар. Тил эса уларнинг асосий қуролидир”<sup>4</sup>.

Аҳмад Донишнинг «Наводирул- вақое» асари тахлили С.Айнийнинг ўз фикрларига қатъий амал этишини кўрсатади. У асарнинг қомусийлик жиҳатларига эга эканлигини таъкидласа- да, кўпроқ А.Донишнинг ижтимоий, инсонпарварлик қарашларига тўхталади. Ҳатто ўзининг «содда тилда ёзиш фикри» «Наводирул-вақое» билан танишганида пайдо бўлганлигини очиқ эътироф этади.

С.Айнийнинг Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижоди, “Наводир ул вақое” ҳақидаги мулоҳазаларининг аҳамияти бугун ҳам йўқолмаган. Унда Айнийнинг Аҳмад Дониш шахсига бўлган самимий ҳурмати, симпатияси аниқ кўриниб турадики, бу илмий- биографик характердаги танқидий асарларнинг энг бош ва асосий талабларидан биридир, чунки адабиётга меҳр бўлмаган жойда, ҳақиқий асар яратиш жуда қийин.

Ўзининг тадқиқотлари билан адабий танқид жанрларининг шаклланиши ва тараккиётида сезиларли из қолдирган адибнинг адабий - танқидий қарашлари, маҳоратини махсус тадқиқ этиш мустақиллик даври адабиётшунослиги олдадаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

## **ARMAN VAMBERI - “JONLI LUG’AT” DEYA TA’RIFLANGAN OLIM.**

*BuxDU Buxoro tarixi kafedrasi o’qituvchisi*

*To’rayeva Guli Bahriddinova*

*Tarix va madaniy meros fakulteti*

*1-kurs talabasi Elmurodova Xursandoy Gulmurod qizi*

О’рта Осиёо hududlariga ingliz elchilari XVI asrdan boshlab kelishgan. Lekin ularning ko’pchiligi maqsadiga erisha olmagan: o’ldirilib yuborilgan, chegaralarda ushlab olingan yoki yo’lda qiyinchilikdan vafot etgan. Buning uddasidan chiqqan shaxs vengriyalik Armani Vamberi edi. Inglizlar Hindistonni egallagandan so’ng Afg’oniston va O’rta Osiyoga intilayotgan paytda bu

<sup>3</sup> Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. Тошкент. 1967. 61-бет.

<sup>4</sup> Айний С. Асарлар. 8-том. Тошкент. 1967. 380-бет.

Саидов Жавоҳир, Қурбонова Манзила ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ БУХОРИЙЛАРИ .....	1246
Жўраев Ж.Р., Бахриев Ш.Б. Хожа Муҳаммад Порсо қарашларида ахлоқ масаласи .....	1247
Ахмедова Шоира “НАВОДИРУЛ- ВАҚОЕ” ВА С.АЙНИЙ .....	1250
To'rayeva Guli, Elmurodova Xursandoy Arman Vamberi - “Jonli lug'at” deya ta'riflangan olim. ....	1251
Аҳтам Аҳмедов “МАОРИЖУН-НУБУВВАТ” АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА .....	1254
M.Sh.Qudratova ZAMONAVIY SHE`RIYATDA HADISLARNING BADIY TALQINI .....	1259
Мустафоев Бахтиёр “БУХОРО ШАШМАҚОМИ”- МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОС СИФАТИДА .....	1261
Тўраева Гули Рус шарқшунослари талқинида Ўрта Осиё эпиграфикасининг илмий тадқиқ этилиши .....	1263
Бобожонова Ситорабону БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИДАН .....	1267
Манзила Қурбонова “МАВЛУДУН НАБИЙ” – ИСЛОМИЙ МАРОСИМ.....	1269
Шарипова М.З. МАНОҚИБИ ХОҶА АҲРОР ДАР ОСОРИ АБДУРРАҲМОНИ ҶОМЇ .....	1271
Аҳмедов Бурҳониддин “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ НУСХАЛАРИДАН .....	1275
Юнус Шукруллаев БУХОРО АМИРЛИГИ МУФТИЙСИНИНГ ОМАДСИЗ ДИПЛОМАТИЯСИ .....	1277
Темиров Фаррух Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий фаолиятида Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросининг ўрганилиши .....	1280
Ражабова М.Б, Аҳророва З. Р, ҲАДИСЛАРДА АЁЛ ВАСФИ .....	1284
Салимов.Ғ.М., Муҳамедов О.Ғ., Жамолов.Ж.Ю. АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ ҲАҚИДА..	1285
Шарипова Раъно Ўрта аср Шарқ Уйғониш даврида Бухоро ва Бухорийлар .....	1289
Dr. Akhlaque A.A. ‘Ahan’. NAQSHBANDI SILSILA IN TIMURID INDIA.....	1292
ТОҲИРОВ Жаҳонгир ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК: аутентик ёндошув.....	1295
Отабоева З., Гофурова М. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИ ОРҚАЛИ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	1303
Урумбаева Айгуль. БУЮК АЛЛОМА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ МЕРОСИ ИЛМ ВА МАЪРИФАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	1305
Алимов Зухридин. АЛ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИ ВА УНДА ИСЛОМИЙ АСОСЛАРДА МЕРОСНИ ТАҚСИМЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	1309